



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 5-may. Payshanba 54 (31.330) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



Бу юртда инсон хотираси азиз, қадрли баланд.



Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловида фақат муносиб номзодларга овоз берайлик.



Ёшлар спортни ривожлантириш мақсадида сўнгги йилларда мамлакатимизда 1200 дан зиёд спорт иншоотлари барпо этилди.



Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа

Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар

амалга ошиши учун партия фаоллари қатор ташаббусларни илгари сурмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Марказий банк ва етакчи тижорат банклари ҳамкорлигида Андижон шаҳрида «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятлари» мавзусида иқтисодий форум ўтказилди.

ИҚТISODIЙ БИЛИМ — ИҚТISODIЙ ФАОЛЛИК

Электорат вакилларининг иқтисодий билимини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашиш мақсадида ўқув бўлиб ўтди. Машгулот оилавий бизнес, хунармандчилик, касаначилик билан шуғулланаётган электорат вакиллари, ўз ишини ташкил этиш ҳаракатидаги ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ниҳоятда фойдали бўлди.

— Ҳар бир инсон фаровон ҳаёт кечиришни истади, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, мазкур соҳадаги қонуний асосларни янада мустаҳкамлашга жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Бизнинг партиямиз аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатини ҳимоя қилади. Демак, биз айнан шундай кишилар учун янги иш ўринлари яратилиши, уйда ўтирган аёллар, бизнес режасига эга кишилар ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўз мустақил ишини ташкил этишдан манфаатдормиз. Ижтимоий ҳамкорларимиз билан бирга ўтказиб келинган акцияларимиз ана шу мақсадга қаратилган.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан бу йил мазкур субъектларга 3 триллион 863 миллиард сўм кредитлар ажратилиши режалаштирилган, — деди Марказий банкнинг Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори Ақтам Сайфуллаев. — Шундан 3 триллион 556 миллиард сўми тижорат банклари, 307 миллиард сўми нобанк кредит ташкилотлари томонидан ажратилади. Андижон вилояти бўйича 216,4 миллиард сўм миқдорда кредит ажратиш кўзда тутилган, бундан 64,2 миллиард сўми микрокредитлар сифатида берилди.

Кредитлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш механизми соддалаштирилди. Оилавий бизнес, хунармандчиликни ривожлантириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш учун имтиёзли шартлар асосида микромолиявий хизматлар кўрсатилмоқда. Улардан ўринли фойдаланиш нафақат рўзгоримиз тўкинлиги, айна пайтда, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади.



Эътироф

Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил тараққий этмоқда. Мамлакатингизда хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун барча қулайликлар яратилган. Жумладан, турли имтиёз ва имкониятлар ҳамда қонун билан кафолатланган преференцияларнинг жорий этилиши хорижий инвесторларнинг ҳамкорликка бўлган қизиқишини янада кучайтирмоқда. Австрияликлар ҳам мамлакатингиз билан кўпбаъди соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор.

Гертруда ТАУХАММЕР хоним, «Society» журнали бош муҳаррири (Австрия)

Ўзбекистонда, айниқса, таълим соҳасига кўрсатилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганидан хабардорман. Ўзбекистонга аввалги ташрифим давомида бир қатор вилоятларда, чекка қишлоқларда ҳам бўлиб, у ерларда қад ростлаган замонавий ва муҳташам таълим даргоҳларини кўриб, ҳайратимни яшира олманган эдим. Боиси бу каби замонавий таълим масканларини ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам учратмагандим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг кадрлар тайёрлаш, ёш авлоднинг коммунал инсонлар бўлиб етишиши йўлида кўрсатаётган ташаббуслари ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Дмитрий ВИДРИН, Украина Президентининг маслаҳатчиси, сиёсатшунос

Ўзбекистон мутлақо ҳақли равишда минтақада сувдан оқилон ва адолатли фойдаланиш масаласини ўртага қўймоқда

Ўрта Осиё минтақасида сувдан оқилон ва адолатли фойдаланиш масаласи халқаро илмий-академик доиралар ва жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, таниқли француз сиёсатшуноси, «Pantheon-Assas Paris II» университети профессори Жак Барранинг «Ақлидрокни йўқотмаслик лозим: Ўрта Осиёдаги сув ва гидроэлектроэнергия муаммолари тўғрисида» сарлавҳали куйидаги мақоласи кенг ўқувчилар оммасида катта қизиқиш уйғотиши табиийдир.

Японияда цунами юзага келишига сабаб бўлган мисли кўрилмаган даражадаги кучли зилзила билан боғлиқ даҳшатли табиий офат жаҳоннинг айрим мамлакатлари сиёсий етакчиларига инсон яратган ҳар қандай мўъжиза табиий офат олдида ожиз эканлигини англаб етиш зарурлигини гўё яна бир бор эслатди. Инсон табиатнинг ҳар қандай офатидан устун келишига қодир, деган фикрни мафкура нима қилиб бўлса ҳам илгари сурган замонлар орта қолди. Баски, ўртада инсон ҳаёти, унинг ҳавфсизлиги масаласи турар экан, «улкан лойиҳалар» ёки «XX аср материалистик телбалигининг буюк ютуқлари» бундан буюн алоҳида эҳтиёткорлик билан кўриб чиқилиши даркор.

Дарҳақиқат, БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ҳам эслатиб ўтганидек, жаҳондаги ҳеч бир мамлакат табиатнинг бало ва офатлари-

дан тўлиқ ҳимояланмаган. Пан Ги Мун келтирган рақамларга қараганда, биргина ўтган 2010 йилда табиий офатлар оқибатида дунёда 250 минг киши ҳалок бўлган. Бу қанчалик қайғули бўлмасин, ана шундай даҳшатли шароитда, Ўрта Осиёда сувдан фойдаланиш ва гидроэлектроэнергетика масалаларига дахлдор муаммолар яна фавқулодда долзарблик касб этмоқда ва алоҳида эътиборни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон раҳбарияти Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик, иқтисодий ва демографик ҳалокатларнинг оқибатлари хусусида ўз ташвишини билдирар экан, мутлақо ҳақли равишда минтақанинг бошқа давлатлари олдида Ўрта Осиёда сув ресурсларидан оқилон ва адолатли фойдаланиш масаласини қўймоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Бандлик ва ижтимоий ҳимоя

оилавий бизнес тараққиётига кўп жиҳатдан боғлиқ

Иқтисодий тараққиёт учун яратилган муҳит, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши янги иш ўринлари очишда, бандликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, ижтимоий фаолликни ошириб, одамларни яратувчанликка сафарбар этади.

Президентимиз илгари сурган «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да бу соҳадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, қонуний асосларни мустаҳкамлаш белгилаб берилган. Айниқса, оилавий тадбиркорлик кенг қанот ёзишига алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, бизнеснинг бу шакли миллий анъаналаримизга, оила тебратиш-

нинг азалий тажрибаларига мос ва ҳосилдор. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб айтганидек «Бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодийнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади».

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKNING 2011 YIL 3 MAIDAN BOSHLAB HORIJIIY VALYUTALARINING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI					
1 Австралия доллари	1853,43	1 Миср фунти	285,08	1 СДР	2747,20
1 Англия фунт стерлинги	2825,57	1 Канада доллари	1787,76	1 Туркия лираси	1113,46
1 БАА дирхами	461,46	1 Хитой юани	261,16	1 Швейцария франки	1952,76
1 АҚШ доллари	1694,80	1 Малайзия рингити	572,37	1 Евро	2490,30
				10 Жанубий Корея вони	15,88
				10 Япония иенаси	208,05
				1 Россия рубли	61,62
				1 Украина гривнаси	212,77



Valyuta qiymatini belgilash chog'ida Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.



20 МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

Бизнинг катта байрамларимиз, тўй-сайилларимизда, анъанага кўра, ҳар қайси вилоят, жумладан, Қорақалпоғистон ҳам ўз санъати намуналарини намойиш этади. Мен шундай сайиллар гувоҳи бўлган барча кишилар номидан айтишим мумкинки, қорақалпоқларнинг ўзига хос санъати, куй-қўшиқлари, хонандаларнинг ёқимли ва жарангдор овозлари ҳаммани хайратда қолдиради. Мана шундай гўзал санъат ва маданиятни яратган, уни асраб-авайлаб, аврлар давомида янгини авлодларга етказиб келаётган, қорақалпоқ ижодкор зиелиларига, асрлабмор, шоир ва адибларига, rassom ва бастакорларига, атоқли санъаткорлари ўш, ёркин истеъдод эгаларига олқишлар айтсак, билдирсак, арзийди. Ишончим комилки, мана шундай адабиёти, мана шундай санъати, мана шундай маданияти бор экан, қорақалпоқ халқи ҳеч қачон кам бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Қорақалпоқ халқи ҳеч қачон кам бўлмайди

Президентимизнинг халқимиз ҳақидаги самимий фикрларини ўқиганда, беихтиёр қорақалпоқ маданияти ва санъатининг теран илдизлари тўғрисида ўйлайсан киши. Чунки бу заминда туғилган ҳар бир инсон болалигидан куй-қўшиққа жуда яқин бўлади. Қорақалпоқ халқининг ўлмас, бетакорор санъати, бахши ва жиравлари қолдирган бой мерос, асрлар оша яшаб бугунги авлодининг ҳам руҳий оламини бойитмоқда. Эзуликка, меҳр-муҳаббатга, инсонни қадрлаш сингари энг олий туйгуларга ҳамроҳ қилмоқда.



Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Пўлат Мадреймов «Айқулаш юлдузлари» ансамбли билан



Ўзбекистон Давлат санъат институтининг Нукус филиали



«Ниҳол» мукофоти лауреатлари Женисбек (чапда) ва Нонибек Пиязовлар



Фахр Ўзбекистонлик эканлигимдан фахрландим

Бугунги кунда Хитойнинг Дальян университетида гранд ассосида таҳсил олоқдаман. Хитой тили, тарихи ва маданиятини ўрганиш ниятидаман. Университетда хитойликлардан ташқари, дунёнинг турли мамлакатларидан келган юзлаб йигит-қизлар таҳсил олишади.

Асосий вақтимиз университетда ўтса-да, буш вақтларимизда тенгдошларимиз билан суҳбатлашамиз, фикр алмашамиз. Ҳамма ўз юрти ва халқининг урф-одатлари ҳақида гапириб беради.

Яқинда мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовнинг Хитойга қилган расмий ташрифи кунларида маҳаллий телевидение ва матбуот нашрлари Ватанимиз — Ўзбекистон ҳақида туркум кўрсатувлар намойиш этди, мақолалар чоп қилди. Айнан шу кунларда дунёда мендан бахтиёр киши йўқдек эди гўё. Атрофимдаги дўғоналарим Президентимизнинг Хитойга ташрифи билан мени қутлашди. Шунингдек, менга Ўзбекистон ҳақида уларини қизиқтирган саволлар беришди. Шу лаҳзаларда дўстларимга Ўзбекистонда ёшларга берилётган эътибор, гомҳўрликлар ҳақида гапириб бераётган эканман, яна бир бор ўзбекистонлик эканлигимдан бениҳоя фахрландим.

Нигина РАСУЛОВА, Дальян университети талабаси.

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси

ноширлик ва босмаҳона ташкилотлари ўртасида «Одам сандогига қарши курашимиз» Республика идоралараро комиссияси томонидан Уюшмага юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, уюшма томонидан ишлаб чиқилган дизайнлар ассосида баннер, плакат ва буклетлар чоп этиш бўйича танлов эълон қилди. Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча босмаҳона ва нашриётлар иштирок этиши мумкин.

Аризалар 2011 йил 25 майга қадар қабул қилинади. Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 244-57-24; 244-50-92; 244-27-79

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати томонидан 2004 йил 17 июлда Утепа тумани Чилонзор 26-мавзее, 11-уй, 27-хонадон эгаси Тўракулова Шарифа Ҳакимовна номига берилган 1479970903 рақамли ер кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОБ-ҲАВО 05-06.05. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	30°C	32°C
Самарқанд	27°C	32°C
Нукус	20°C	25°C
Қарши	30°C	35°C
Урганч	20°C	25°C
Навоий	22°C	27°C
Фарғона	30°C	35°C
Бухоро	22°C	27°C
Андижон	30°C	35°C
Наманган	30°C	35°C
Термиз	30°C	35°C
Жиззах	27°C	32°C
Гулистон	27°C	32°C
Тошкент вил.	27°C	32°C

Лондон	12°C	15°C
Париж	9°C	12°C
Москва	11°C	11°C
Мадрид	12°C	12°C
Пекин	13°C	13°C
Гонгконг	24°C	25°C
Рим	8°C	7°C
Анкара	11°C	9°C
Токио	14°C	10°C
Стокгольм	1°C	0°C
Кейптаун	14°C	12°C
Қоҳра	17°C	16°C
Гавана	23°C	23°C
Вашингтон	9°C	10°C

Спорт



Осиё чемпиони қилинган «С» гуруҳида тўп сураётган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси бешинчи турда Бирлашган Араб Амириликларининг «Ал-Ваҳда» футболчиларини қабул қилди. Мазкур ўйинда ҳамюртларимизни фақатгина ғалаба қаноатлантирадди.

«Бунёдкор» — кейинги босқичда!

Гарчи, учрашувнинг дастлабки дақиқаларида меҳмонлар ҳисобни очиган бўлса-да, бунёдкорчилар ўзларини йўқотиб қўйишмади. Хужумчи Милош Трифунювич кетма-кет икки мартта рақиб дарвозабонини доғда қолдириб, ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. Аммо тамаффусдан сўнра, «Ал-Ваҳда» вакиллари пенальтидан ўртадаги мувозанатни тиклашди — 2:2. Иккинчи бўлимда майдонга тушган Анвар Солиев 85-дақиқада боши билан чиройли тарзда гол киритиб, жамоасини олдинга олиб чиқди — 3:2. Шундай қилиб, «Бунёдкор» очколари сонини 8 тага етказиб олди ва гуруҳда, ҳатто биринчи ўрин учун курашиш имконини ҳам сақлаб қолди. Иккинчи учрашувда Эроннинг «Пирози» жамоаси гуруҳ пешқадами «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) футболчиларини худди шу ҳисобда енгни. Шунингдек, кеча Осиё чемпиони лигасининг «В» гуруҳида қатнашган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси «Ал-Насро» (Саудия Арабистони) футболчиларни меҳмони бўлишди. Ушбу гуруҳнинг дастлабки учрашувида «Ал-Садд» (Қатар) ва «Истиқлол» (Эрон) жамоалари муроса йўлини танлашгани — 2:2. ОФК кубоги «А» гуруҳида муддатидан илгари кейинги босқич йўлланмасини нақд қилган Қаршининг «Насаф» вакиллари кеча Ливанди «Ал-Ансор» жамоасига қарши майдонга тушди — 1:4. «В» гуруҳида бахсларни давом эттираётган «Шуртан» футболчилари эса Ҳузурда Кувейт чемпиони — «Ал-Қодисия» жамоаси билан куч синнашди — 1:1.

Эркин ХОЛБОВО

Финал арафасидаги финал

Европа чемпиони лигаси баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди. Мусобақанинг ярим финал баҳсида кўрғага кўра, Кўҳна қитъанинг гранд жамоалари рўбарў келишди. Дастлабки жуфтлик учрашувда Испаниянинг «Барселона» — «Реал» жамоалари ўзаро куч синнашди. Мазкур баҳс кўпчилик томонидан финал олдида финалга тенглаштирилган. Унда ҳар икки жамоанинг имкониётлари финал иккинчи баҳсида Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси Германиянинг «Шалке-04» футболчиларига қарши майдонга тушди. Бу жамоаларнинг биринчи учрашувида сафарда тўп суришига қарамай, англияликлар рақибларини 2:0 ҳисобда енгганди. Эслатиб ўтамиз, Европа чемпиони лигасининг финал учрашуви шу йилнинг 28 май куни Лондондаги «Уэмбли» стадиониди бўлиб ўтади.

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV. TAHRIR HAYATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV. Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'afhor HOTAMOV. Muxlihiddin MUHIDDINOV, Ochiiboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV. BO'LIMLAR: Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 233-55-17. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda no'yxatga olingan.